



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2  
2019 йил 21 июнь, жума

Газета 1966 йил  
1 июндан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (13.946)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Бухоролик миниатюрочи расом Даврон Тошев кўп йиллардан буён яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб келарди. У шу хунари ортидан эл назарига тушиб, дунё кезд. Мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўтказилган танловларда муваффақиятли иштирок этиб, совринларни қўлга киритди. Энг муҳими, бугунги кунда Даврон аканинг хунарини ўрганмоқчи бўлганлар нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам кўпчиликни ташкил этади.**



## "ТАШАББУС – 2019" ТАДБИРКОРЛАРНИ ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

Даврон Тошев мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган шартларга жим қараб туролмади. Яқинда у "Бухоро ипак қоғоз" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, 10 нафардан ортиқ фуқарони иш билан таъминлади.  
– Президентимиз бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани менга куч-ғайрат бағишлади, – деди у. – Ишчиларимиз билан бир гектар ер майдонини олиб тутчилик билан шуғуллана бошладик. Корхонамиз тут экиб, ундан қоғоз ишлаб чиқариш жараёнидан то тайёр қоғозларга миниатюра асарларини яратиш ҳамда уларнинг савдосини ташкил этишга ихтисослашган. Қоғоз тайёрлаш ҳақида қисқача тўхталади бўлса, курилган тут пўстлоғи қайнатилиб, қоричма ҳолатига келтирилади. Мазкур қоричмадан сув ёрдамда махсус ўлчамда прессланади. Прессланган қоғоз куриптилиб, силликлантирилади. Бу тайёр қоғоз узоқ йиллар сақланади.  
Бу йилги "Ташаббус" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари сафида миниатюрочи расом Даврон Тошев ҳам бор.

Пойтахтимиздаги "Ўзэксспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида "Ташаббус – 2019" кўрик-танловининг мамлакат босқичи очилиши ва кўргазмаси бўлиб ўтди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Хунарманд" уюшмаси ва Ёшлар иттифоқи томонидан турли вазирлик ва идоралар кўмағида ҳар йили ўтказилаётган ушбу кўрик-танлов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, миллий хунармандлик анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.  
Тадбир очилиш маросимида сўз олган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адхам Икромов, Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси Ақтам Ҳайитов, "Хунарманд" уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимиз иқтисодий тубдан таркибий ўзгартириш, қисқа муддатда янги тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий бозор инфратузилмасини

шакллантиришда энг муҳим истиқболли ишларимиздан бири бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалий самаралар бераётганини таъкидлади.  
Қайд этиш кераки, бу танлов 24 йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Жорий йил унга ҳудудлардан жами 6 минг 712 нафар туман (шаҳар) тадбиркорлик субъектлари ўз махсулотлари ва хизматлари билан иштирок этган бўлса, улардан 960 нафар тадбиркор, фермер ҳамда хунарманд Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларига чиқишга муваффақ бўлди. Кўриқнинг мамлакат босқичида 69 нафар тадбиркорлик субъекти Ўзбекистон Республикаси Президенти совринини қўлга киритиш имкониятига эга бўлди. Бугун танлов доирасида ташкил этилган кўргазмага улар ўз махсулот ва хизматларини пойтахтликлар эътиборига ҳавола этди.  
– Мен олти ёшимдан бошлаб Сурхон ва Бойсун миллий гиламларини тўқишни бошлаганман, – деди бойсулик ёш тадбиркор Назоқат Собирова. – Бу хунар

онамдан ўтган. Онам ҳам миллий гиламларимизни тўқишда катта тажрибага эга. 2014 йилда онам билан оилавий тадбиркорлик бўйича рўйхатдан ўтган эдик. 2016 йилдан эса ўзим яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмоқдаман. Бугун ўзимнинг хунарим бор. Иш ўринларини очиб, дугоналаримни иш билан таъминладим. Бироқ бу иш билан махсулотларимиз савдосини кенгайтириш қийин. Шу боис яна янги ғоялар устида ишладим. "Ўн қапа" бизнес лойиҳамни ишлаб чиқиб, Бойсун тумани ҳокимлиги кўмағида 3 сотих ер олдим. Бу ерга ўн қапа қуриб, туризмни ривожлантириш ва хорижлик меҳмонларни жалб қилиб, ўзимиз тўқиган миллий гиламларимиз савдосини кенгайтирмоқчиман. Бизга имкониятлар эшигини очган "Ташаббус" кўрик-танловининг мамлакат босқичига чиққангидан жуда хурсандман.  
Эслатиб ўтаман, жорий йилнинг 22 июнь куни кўрик-танловнинг мамлакат босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш ва уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий соврини "Shevrolet Spark" автомашиналарини топшириш маросими бўлиб ўтди.  
Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қаҳрамон Куронбоев сўзга чиқди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА



## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Фарғонада "Куз-қиш мавсумига тайёргарлик: газдан фойдаланишда хавфсизлик ва тежамкорлик омиллари" мавзуда ўтказилган пресс-тур ва семинарда "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти масъул ходимлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.
- Самарқанд шаҳридаги Ислон Каримов хайкали ўрнатилган майдонда Самарқанд Темурубеклар мактабининг биринчи битирувчиларига тантанали диплом топшириш маросими ўтказилди. Унда Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ, Самарқанд ҳарбий прокуратураси вакиллари, Темурубеклар мактаби жамоаси, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.
- Чирчиқ шаҳрида Олмалик-кон металлургия комбинатига қарашли Нодир металл ва қаттиқ қотишмалар бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида "Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инновацион илмий-технологик марказларнинг роли ва аҳамияти" мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- Шовот туманининг "Оққўл" маҳалласида "Хоразм – барака чеварлари" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Корхонада маҳалла хотин-қизларидан 150 нафари доимий иш жойига эга бўлди. Йил охиригача иш икки сменда ташкил этилади ва натижада 130 нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.
- Навоий вилоятида "Ёшлар ойлиги" доирасида "Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш ҳафталиги" ўтказилди. Ҳафталик доирасида ёшлар бандлигини таъминлаш, бизнес-режалар тузиш, уни амалга ошириш ҳамда бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

## ЖАҲОНДА

- АҚШ президенти Доналд Трамп Флорида штатида ўтказилган учрашув чоғида мамлакат президентлигига иккинчи муддатга ўзининг номзодини қўйишини маълум қилди.
- 2007-2015 йилларда УЕФА президенти сифатида Европа футболни бошқарган франциялик собиқ футболчи, терма жамоанинг сардори бўлган Мишель Платини 2022 йилга жаҳон чемпионатига мезбонлик қилувчи мамлакатни белгилаш билан боғлиқ коррупция иши юзасидан ҳибсга олинди.
- Чилидаги мис рудаси шахтасида 70 метр чуқурликда тупроқ остида қолиб кетган уч нафар қончини қутқариш ишлари амалга оширилмоқда. Афсуски, ҳозирча шахтёрлардан бири ҳаётдан кўз юмган.

## ҚИСКА САТРАПДА

- "Тошкент" автовокзалига Хитойнинг "Zhengzhou Yutong Bus Co.Ltd." компаниясида ишлаб чиқарилган 68 та автобус олиб келинди.
- Пойтахтимизда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот ижтимоий хизмат ходимлари салоҳиятини ошириш масалаларини давлат идоралари билан муҳокама қилиш мақсадига давра суҳбати уюштирилди.
- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Миробод туман маҳаллий Кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ҳоким ва ёшлар" билан учрашув ташкил этилди.
- Шаҳримизда "Тошкент Урбания 2019" фестивали ўтказилади.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ БИЗНЕС-ФОРУМИ

**АҚШ сертификатланган илк савдо миссиясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида пойтахтимизда 18-20 июнь кунлари Ўзбекистон – АҚШ бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси томонидан АҚШ савдо вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда савдо, молия, металлургия, авиация, логистика, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, таълим, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, геология, дастурий таъминот каби соҳаларда фаолият юритувчи вазирлик ва идоралар, компания ва фирмалар раҳбарлари, бизнес доиралар вакиллари иштирок этди.  
Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов ва бошқалар Президентимизнинг Америка Қўшма Штатлариغا ташрифидан ушбу мамлакат билан кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларида янги саҳифа очилганини таъкидлади.  
Ушбу ташрифдан сўнг мамлакатимизда бизнес юритиш истагида бўлган АҚШ компаниялари сонини ортиб, улар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган истиқболли қўшма лойиҳалар кўпайди.  
Тадбирда америкалик ишбилармонларга мамлакатимизда савдо-инвестиция, қурилиш, энергетика, транспорт, молия, қишлоқ хўжалиги, таълим, тўқимачилик каби соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тақдим этилди, қатор йўналишлар бўйича фойдали битимлар имзоланди.  
"Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти томонидан АҚШнинг "General Electric", "John Deere" ва "CAT/Zeppelin" каби компаниялари вакиллари билан ўтказилган учрашувлар сўнггида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш, махсулотларини маҳаллийлаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан келишувларга эришилди.  
"B2B" шаклидаги учрашувларда АҚШ савдо-инвестиция компанияларининг мамлакатимизда бизнес фаолиятини янада кенгайтириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.  
Ўзбекистон – АҚШ бизнес-форуми мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдаги манфаатли шерикликни йўлга қўйиш учун ўзига хос платформа бўлиб хизмат қилади.

Ҳ.ХОННАЗАРОВ

## 2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

## МҲХС: МАМЛАКАТ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

**Банк-молия академиясида Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Молия вазирлиги ва "КРМГ" халқаро аудиторлик ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳаллий ва хорижий экспертлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.  
Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда иқтисодий либераллаштириш ва ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ҳамда хориж сармоясини жалб қилишда бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш амалий аҳамият касб этишини таъкидлади.  
Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 17 январдаги "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини" "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир. Унга кўра, мамлакатимиз иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Мазкур ҳужжатда йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш масаласи ҳам кўрсатиб ўтилган.  
– Айни шу вазифаларга асосан ташкил этилган семинарнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ривожланишининг бугунги босқичида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини кенг миқёсда қабул қилиш асосида рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни жадаллашуви, хорижий инвесторлар учун қулай ахборот муҳитини яратишга қаратилган, – деди Молия вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари Отабек Баракаев. – Юртимизда инвестицион муҳитни яхшилаш, хусусан, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этиш бугунги кундаги иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим талабларидан. Бунинг учун эса дунёда бизнес тили ҳисобланган молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий этиш талаб этилади. Молиявий кўрсаткичларнинг халқаро миқёсда шаффофлигини ва таққосланувчанлигини ошириш, миллий

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш ана шу стандартларга боғлиқ.  
Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Бухгалтериянинг халқаро стандартлари кенгаши томонидан ишлаб чиқилади. У Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди (МҲХС фонди – IFRS Foundation) томонидан тартибга солинади.  
Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди нотижорат ташкилот бўлиб, у 1973 йил ташкил этилган. Унинг ташкилий тузилмаси Назорат кенгаши, МҲХС фонди васийлиги (бошқаруви), маслаҳат консултиги, стандарт тузувчи, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича кенгаш ва талқиний кўмитасидан иборатдир.  
– Мазкур халқаро ташкилотнинг фаолияти ва унинг мақсад-вазифалари ҳақида иштирокчиларга маълумот бердик, – деди "КРМГ" халқаро аудиторлик ташкилотининг Россия ва МДҲ мамлакатларида аудиторлик хизматлари департаменти раҳбари Кирилл Алтухов. – У юқори сифатли, тушунишга қулай, ҳуқуқий ҳимояланган ва дунё қабул қилган бухгалтерия ҳисоби принципларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот стандартларининг ягона тизимини ишлаб чиқишга асосланган. Бу стандартларни жорий қилишнинг ўзига хос мураккабликлари бўлиб, бунда миллий ҳисоб тизимини ислоҳ қилиш ва халқаро принциплар билан мослаштиришни талаб этади. Биз бу жараёнда ўзимизга мақбул бўлган стандартларни танладик.  
Тадбирда Президентимизнинг "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига босқичма-босқич ўтишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳасининг дастлабки муҳокамаси, МҲХСни жорий этишнинг долзарблиги, "КРМГ"нинг Ўзбекистонда миллий ҳисоб тизимини ислоҳ қилиш ва халқаро принциплар билан уйғунлашувида кўмаклашиш каби қатор масалаларда маърузалар тингланди.

(ЎЗА)

## ЯНГИ АВТОБУСЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛГАН

**Мамлакатимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш қўламини янада кенгайтириш борасида ишлаб чиқилган режага мувофиқ, 2019 йилнинг охиригача 10 дан зиёд замонавий автотранспорт воситаларини сотиб олиш кўзда тутилган. Айтиш мумкин, ушбу автотранспорт воситаларининг бир қисми харид қилиниб, хизмат кўрсатишга ҳозирлаб қўйилди.**

17 июнь куни Тошкент Жанубий темир йўл вокзалда замонавий 51 ўринли 1 та Mercedes-benz Toursimo, 30 ўринли 2 та Isuzu HD 50 автобуси, 11 ўринли 3 та Hyundai H-1 микроавтобуси, 7 ўринли 1 та Mitsubishi Pajero йўлтанламас автотранспорт воситасининг тақдими ўтказилди.

Эндиликда Тошкент шаҳрига саёҳатга келадиган йўловчилар ҳамда туризм йўналишидаги фирмаларнинг олдидан берилган бюртмалари асосида замонавий автотранспорт воситалари тайёр қилиб қўйилди, — дейди “Ўзтемирйўл-йўловчи” АЖ тариф бўлими бош мутахассиси Шахноза Алиева. — Мехмонлар ушбу транспорт воситаларида нафақат Тошкент шаҳри, балки вилоятнинг сўлим гўшчаларига ҳам саёҳат қилишлари мумкин. Кейинги босқичда харид қилинадиган ана шундай замонавий автотранспортлар қадимий шаҳарларимиздаги вокзалларда ҳам сайёҳларга хизмат кўрсатади.

Хайдовчи ва хайдовчи ёрдамчисидан ташқари 51 йўловчига мўлжалланган Mercedes-benz Toursimo автобуси сайёҳлар учун мослаштирилган. Одатда саёҳатчиларнинг юклари кўп бўлади. Автобус салонда ана шу юкларни жойлаштириш учун махсус жойлар етарли. Иситиш-совуштиш тизимлари компьютерлаштирилган, — дейди хайдовчи Улугбек Абдуллабеков. — Автобусни бошқариш жуда қулай. Мақсадимиз юртимизга келадиган сайёҳларга юқори сифатли хизмат кўрсатишдир.

Тақдимот доирасида журналистлар учун пресс-тур ташкил этилди. “Ўзтемирйўл-йўловчи” АЖ томонидан келажакда пой-

тахт ҳамда вилоят марказларидаги темир йўл вокзалларида такси хизматларини йўлга қўйиш кўзда тутилганлиги ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, ОАВ ходимлари Тошкент Жанубий темир йўл вокзалдаги сервис хизматлари, жумладан, замонавий чиптахоналар, меҳмонхона, она ва бола хонаси, кутиш зали, кутубхона, овқатланиш ва савдо шохобчалари билан яқиндан таниди.

Хар қандай йўловчи замонавий вагонларда юришни хоҳлайди. Шуларни инобатга олиб, жорий йил охиригача Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш корхонасидан барча қулайликка эга 50 та вагон харид қилиниши кўзда тутилган. Бу ҳам кўрсатилган сервис хизматлари сифатини янада оширишга имкон яратди.

Дарҳақиқат, юртимизда туризмни янада ривожлантириш, диёримизга келадиган сайёҳларга етарли сервис хизматлари кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада “Ўзтемирйўл-йўловчи” акциядорлик жамияти томонидан ҳам самарали ишлар қилинган. Байрамлар арафасида аҳолининг мароқли ҳордик чиқариши, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштиришга имконият яратиш мақсадида имтиёзли чипталар жорий қилинган. Мутахассислар сўзларига кўра, сайёҳлар ва йўловчилар дам олишлари учун Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Хива, Нукус, Қарши, Термиз вокзалларида ҳам намунали сервис хизматлари ташкил этилган.

Моҳиғул ҚОСИМОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотиغا кўра, жорий йилнинг 5 ойида тизимга тааллуқли 23 минг 562 мурожаат келиб тушган. Улардан 7 минг 367 таси Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари орқали қабул қилинган.**

**МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ:**

## ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Миллий матбуот марказида Молия вазирлиги 2019 йилнинг январь-май ойларида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлилга бағишланган матбуот анжуманида бу ҳақида батафсил маълумот берилди.

Унда молия вазири ўринбосари Баҳром Ашрафонов сўзга чиқиб, вазирлик ҳамда ҳудудий молия органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда уларни ҳар томонлама, синчковлик билан ўрганиш ҳамда таҳлил жараёнида раҳбарият топшириғи бўйича муаммо ёки шикоятларни жойларга чиқиб ўрганиш амалиёти жорий этилганига эътибор қаратди. Унинг фикрига кўра, мурожаатлардан 8386 таси ижобий ҳал этилган. 13792 тасига қонунчилик асосида тушунтириш берилган, 633 таси тегишлиги бўйича бошқа ташкилотларга йўналтирилган. Ҳозирги кунда 283 таси ўрганиб чиқилмоқда.

Таъкидланганидек, аҳоли мурожаатларини жойларда ҳал этиш масаласида ҳам вазирлик томонидан қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бунда ушбу молия муассасаси айнан мурожаатлар бўйича ишлашда йўл қўйилган камчиликлар ва қонунбузарликларга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Ўрганиш натижасида бу борада ўз ишига совуққонлик билан қараган 51 нафар тизим ходими интизомий жавобгарликка тортилган.

— 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун тасдиқланган режа асосида Молия вазирлиги раҳбарияти ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказди, — деди Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси директори ўринбосари Шухрат Давронов. — Учрашувларда келиб тушган мурожаатларнинг таснифи ҳам ўрганиб чиқилди. Дейлик, мурожаатларнинг 64 фоизи пенсия, 10 фоизи бузилган уй-жойлар учун компенсация, имтиёзли кредитлар, ичимлик суви ва бошқа масалаларда, 5 фоизи 2 ва 14 ёш болалар нафақаси масаласида, 3 фоизи иш ҳақи бўйича бўлган. Бундан ташқари, тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада тақомиллаштиришга қатта аҳамият берилмоқда. Янги информацион технологиялардан самарали ва кенг фойдаланиш мақсадида сенсорли инфокиос ва мониторлар ўрнатилган тартибда харид қилинди. Энди телеграм дастурида махсус бот ҳам фаолият юрлатади. Вазирлик ва “Юнион-софт” МЧЖ ҳамкорлигида “Ижро интизомини назорат қилиш ягона тизими” — “mf.i.jro.uz” электрон дастурий таъминоти шакллантирилди. Бундан ташқари, Молия вазирлигига ҳужжат ёки мурожаат юборган ташкилот ва фуқаролар “mf.i.jro.uz” дастури орқали ўларнинг ижроси тўғрисида маълумотлар олиши мумкин.

ЎЗА

## ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР УЧУН МАХСУС ҚОИДАЛАР

**Давлат активларини бошқариш агентлиги Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда семинар ўтказди.**

Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотининг (ИХРТ) давлат иштирокидаги корхоналардаги корпоратив бошқарув принциплари асосида ишлаб чиқилган ва Ҳукумат комиссиясининг 2018 йил 20 апрелдаги қарори билан тасдиқланган.

Ўтган йил сўнггида ИХРТ Марказий Осиё мамлакатлари рақобатбардошлиги тўғрисида кенг қўламли тадқиқотлар натижаларини эълон қилди. Тадқиқотда ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида

Марказий Осиё иқтисодиётининг шиддатли ўсиши сабаблари, шунингдек, унинг бугунги кундаги оқибатлари — экспорт концентрациясининг ортиши, хомашё товарларига нисбатан нархларнинг ўзгариши туриши олдига ўта заифлик ҳамда меҳнат миграциясининг рағбатлантирилиши ўрганилди.

Ҳозирги кунда жорий этилган қоидалар давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органлари қарорлари асосида қўлланиладиган тавсияларни ўз ичига олган ва Ҳукумат комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги қарори билан тасдиқланган

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини тўлдириш.

Семинарда Осиё тараққиёт банки жалб этган экспертлар — Ричард Фредерик ва Фарҳод Каримов давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларини татбиқ этишнинг аҳамияти, бошқарувнинг энг яхши амалиёти ва тузилмасини татбиқ этиш усули, шартларини амалиётда жорий этишда корхона бошқарув органининг роли ҳақида гапирди.

Жумладан, ушбу қоида давлат иштирокидаги корхоналарнинг юқори самарадорлигини таъминлаш, ички ва ташқи капитал бозорига кириши учун кенг имкониятлар яратиш, ошқоралик ва ҳисобдорликни оширишни таъминлаш таъкидланди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзаро фикр алмашиб, қизиқтирган барча саволларига атрофлича жавоб олди.

М.ТОШҚОРАЕВА

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЪСИРЧАН КУРАШИШ МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясида ҳуқуқ-тартибот органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши ҳулқ-атворни шакллантириш масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, тизимдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, курсантлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси бошлиғи Баҳодир Матлюбов ва бошқалар кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилгани, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга нафрат туйғусини шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар қўрилайдигани ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда таъкидланишича, коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий йўналишлари жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлашдир. Ўз навбатида, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги қўриқилганини оширишга тўқтинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳам сақланиб қолмоқда.

Бунда, энг аввало, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарур. Ёшларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбиясида алоҳида эътибор қаратиш ҳам келажакда яхши самара беради.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган “Ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши ҳулқ-атворни шакллантириш” ўқув-усlubий қўлланмаси тақдими бўлиб ўтди. Коррупцияга қарши курашишга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулноза БОБОЕВА



## ОҚ ЙЎЛ, СИЗГА БИТИРУВЧИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида битирувчиларга олий маълумот тўғрисидаги диплом топширилиб, лейтенант унвони берилди.**

Тантанали маросимда Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-лейтенант Турсинхон Худайбергенов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлари, давлатимиз раҳбари томонидан соҳага оид қабул қилинган Фармон ва қарорлар ҳар томонлама етук, масъулият ва бурчни чуқур ҳис қиладиган ҳамда ўз касбини севиб-ардоқлайдиган олий маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда таълим муассасасининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, илм-фаннинг амалиёт билан интеграциялашуви кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва на-тижадорлигини ошириш, икти-

дорли ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратишга қаратилган.

Тадбирда битирувчиларга олий маълумот тўғрисидаги диплом топширилди ва лейтенант унвони берилди.

Институтнинг профессор-ўқитувчилар томонидан ўргатилган соҳанинг сир-асрорларини янада пухта ва мукамал эгалладик, — дейди институтнинг Раҳбар кадрлар тайёрлаш олий курси битирувчиси, подполковник Муҳиддин Қўлдошев. — Ўқиш давомида ортирган билим ва тажрибаларимизни жойларда хизмат олиб бораётган ёш ходим ва хизматчиларнинг касбий маҳоратларини, интеллектуал салоҳиятларини, иш-чанлик сифатларини сезиларли даражада оширишга, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги ҳамда барқарор тараққиёти йўлида бор

қуч ва имкониятларимизни ишга солашим.

— Бугун фарзандим Бехруз Жалолов офицерлик унвонини олиб, мустақил ҳаётга йўл олаётганидан бошим кўкка етди, — дейди Зебу Муқимова. — Турмуш ўртоғим ҳам шу соҳада меҳнат қилаётганлиги учун бизнинг оиламизда ҳам ушбу касбга хос бўлган муҳит шаклланиб, болаларим шу руҳда воёга етган. Ишонманки, фарзандларим отаси ишини муносиб давом эттиради. Жонажон Ватанимиз ва халқимиз ихтиёрида бўлиб, мустақил юрт осойишталигини таъминлашга бор куч ва билимларини сафарбар этадилар.

Тантанали маросимда сўзга чиққан битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ўзларининг ҳис-ҳаяжонга тўла қалбларидан отилиб чиқадиган тилларини ҳамда миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Зиёда РАСУЛОВА

## ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Бугунги кунда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.**

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада 2019 йил январь-май ойда хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 22 684,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 117,0 фоизини ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатишмоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини оширишга таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 52,8 фоиз ўсиб, 6 674,1 млрд. сўмни ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 29,4 фоизни ташкил қилади).

2019 йил январь-май ойда транспорт хизматлари ҳажмини оширишга таъсир қилган омилларидан бири йўловчи ва юкларни ташиш хизматларига бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобиль транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (58,1 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкламасдан (ўтказмасдан) “Эшикдан эшиккача” етказиб беришда қулайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технологик хизматларнинг янада ривожланиши, хизматларнинг янги турларини кенгайтирилиши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилашни алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ошишига таъсир кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,7 фоиз ўсиб, 1 973,1 млрд. сўмни ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 8,7 фоизни ташкил қилади).

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

## ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

**Миллий матбуот марказида уй-жой қурилишида сифатни назорат қилиш, қурилиш объектлари мустаҳкамлигини таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги масъуллари, инжиниринг компаниялари ходимлари, етакчи лойиҳалаштириш ташкилотлари вақиллари ва журналистлар иштирок этган тадбирда соҳага оид қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш бўйича жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, тизимда амалга оширилаётган янги лойиҳалар, мавжуд муаммолар ҳусусида маълумот берилди.

Жумладан, ҳудудий назорат инспекциялари томонидан тасдиқланган режа асосида ижтимоий соҳа ва уй-жойларнинг қурилиши сифати бўйича доимий назорат ишлари олиб борилмоқда. 2018 йилда 36 минг 938 объект Давлат дастурига киритилган бўлиб, уларда ўтказилган текширувларда аниқланган камчилик ва нуқсонлар бўйича тегишли ташкилотларга 17 минг 82 марта ёзма кўрсатма юборилган.

Тадбирда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури билан самарали амалга ошириш борасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилда республикада ижтимоий соҳа объектлари, шаҳарларда қурилайдиган кўп қаватли, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қад рост-лаётган уй-жойлар ва “Обод қишлоқ” дастурига киритилган 22 минг 717 объект мавжуд. Айтиш мумкин, уларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Мутахассислар жойларда сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари борасидаги ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтди. Унга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси бўйича 159 пудратчи ташкилотга нисбатан маъмурий ҳужжатлар тўплами тайёрланиб, маъмурий судларга юборилди. Шу билан бирга 2017-2018 йилларда қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан олиб борилган текширувларда ҳам кўплаб камчилик ва нуқсонлар аниқланган.

Матбуот анжуманида мавзу бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга вазирлик раҳбарияти ва мутахассислар жавоб қайтарди.

ЎЗА



Спорт

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, халқаро спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тайёрлаш мақсадида муҳим вазифалар белгилаб берилмоқда.

Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиги Анвар МУРСАКУЛОВ ўза муҳбири билан суҳбатда мазкур вазифаларни амалга оширишда пойтахтимизда қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

– Утган бир ярим йилда соҳага оид 4 та Президент қарори, улар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 20 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Тошкент шаҳри туманларида Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ташкил этилди, – дейди А.Мурсакулов. – Бугунги кунда бошқармаимиз тасарруфида Тошкент шаҳар олий спорт маҳорати мактаби, яккакураш, гимнастика, сув спорти, енгил атлетика ва спорт ўйинларида ихтисослаштирилган ҳамда 19 болалар-ўсмирлар спорт мактаби каби 24 давлат спорт-таълим муассасаси мавжуд. Улар тасарруфида эса 38 спорт иншооти фаолият юритади. Бундан ташқари, спорт машғулотларини ташкил этишда умумтаълим мактабларининг спорт залларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда 1 минг 337 спорт секциясида 6-18 ёшдаги 15 минг 700 га яқин ўғил-қиз спорт билан шуғулланади.

– Бу ёшларнинг халқаро спорт мусобақаларида иштироки ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– 2018 йилнинг 18 август – 3 сентябрь кунлари Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида Тошкент шаҳридан 21 спортчи 4 олтин, 12 кумуш ва 5 бронза, III Параолимпий ўйинларида эса 9 спортчимиз 9 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди.

Утган йили 6-18 октябрь кунлари Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган III Олимпия ўйинларида Тошкент шаҳридан 3 спортчи 1 кумуш ва 2 бронза медал соҳиби бўлди.

Жорий йилнинг 19-26 апрель кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ва аёллар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Тошкент шаҳар Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчи-

си Нодиржон Мирзааҳмедов фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

– Барчага маълум, халқаро мусобақаларда иштирок этаётган терма жамоамиз асосий таркибни пойтахтлик спортчилар ташкил этади. Буни қандай изоҳлайсиз?

– Бунинг асосий сабаби, кўп спорт федерация ва ассоциацияларининг марказий базаси Тошкентда жойлашганда. Лекин терма жамоага муносиблар мамла-

ЁШЛАР СПОРТИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

кат миқёсида ўтадиган мусобақаларда сараланади. Демак, терма жамоаларда нафақат тошкентлик, балки вилоятлардан келган спортчилар ҳам кам бўлса-да, бор.

– Ёшларимизнинг спорт билан шуғулланиши борасида гап кетганида, айтинг-чи, пойтахтда ҳам муаммолар борми?

– Тошкентда баскетбол, волейбол, гандбол спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган замонавий спорт иншоотлари етишмайди. Бу эса спортнинг ана шу турларини оммалаштиришга тўсиқ бўлиб турибди.

Энг асосий муаммолардан бири, бу – умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мактаблари тренерларининг иш ҳақи ўртасида тафовут мавжудлиги. Бу бarchа ҳудудларга тегишли муаммо, дейиши мумкин.

Жисмоний тарбия фани ўқитувчисининг ойлик маоши ўртача 1,4 миллион сўм бўлгани ҳолда, мураббийларнинг маоши 900 минг сўм атрофида. 2018/2019 ўқув йилида 31 малакали мураббий умумтаълим мактабларига жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишга ўтиб кетди. Натижада 380 нафардан зиёд ўғил-қизи-

миз спорт билан тизимли равишда шуғулланишдан тўхтаб қолди.

Бу муаммонинг ечими – соҳадаги ходимлар ойлик маоши миқдорини қайта кўриб чиқиш, ойлик маошининг базавий миқдорини камида икки баробарга ошириш бўйича қарор қабул қилиш, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, спорт мактабларида олий маълумотли мураббийларга, айниқса, оммавий спорт турлари бўйича (баскетбол, волейбол, гандбол, енгил атлетика) тренер-ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж юқориликча қолмоқда.

Умумтаълим мактабларининг спорт заллари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларига сўнгги 3-4 йил мобайнида ҳеч қандай спорт жиҳозлари ажратилмаган. Мисол учун, ўйинли спорт турларини ташкил этишда футбол, баскетбол, волейбол, гандбол тўпларига, шахмат-шашка, стол тенниси каби спорт турлари инвентарларига эҳтиёж катта. Шу билан бирга, яккакураш спорт турларини ривожлантириш учун кураш гилалари етишмайди.

– Тошкентда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш учун қандай ишлар амалга оширилади? Режалар борми?

– Бу йил якунига қадар ёшларимизнинг яна 20 фоизини, катта ёшдаги аҳолимизнинг эса яна 30 фоизини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қамраб олишни мақсад қилганмиз. Демак, 51 мингга яқин ўғил-қиз спорт машғулотларига жалб қилинади.

Албатта, уларга мураббий ҳам керак. Шу мақсадда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг битирувчи талабаларидан 80 дан зиёдини спорт мактабларига ишга тақлиф қилмоқчимиз. Қўшимча равишда яна 400 га яқин спорт секцияси фаолиятини йўлга қўямиз.

Яна бир гап. Ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқшини янада ошириш мақсадида нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган спортчиларни, Осиё ва жаҳон чемпионолари, Олимпия ўйинлари голибларини спорт мактаблари, тўғарақларга бириктириламиз. Маданият ва истироҳат боғларида 14 ҳаваскор спорт клуби, жамоат бирлашмалари ташкил этилган.

Спорт иншоотлари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг бўш турган ҳудудларида давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда сунъий қопламали футбол майдонлари, енгил конструкцияли спорт заллари қурилиши режалаштирилган.

Ишонимизки, бу каби чора-тадбирлар натижасида кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ суҳбатлашди

“101”

“ТИЛСИЗ ЁВ”НИНГ ОҚИБАТЛАРИ

“Тилсиз ёв” бир неча дақиқа ичида катта миқдордаги халқ бойликларини қулга айлантиради.

Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тугун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид, газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнғиндан қуриладиган зарарнинг энг ёмони шукки, унда кўплаб кишилар жароҳатланади ва ҳатто ўлиши ҳам мумкин.

Ёнғинга қарши кураш тадбирларининг барчаси аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилин.

Махсуд АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ катта инспектори, подполковник

Ёнғинга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки барчанing бурчи.

Бунинг учун энг аввало, фарзандларимизни ёнғин келиб чиқиш сабабларидан воқиф қилиш, ушбу кўнгилсиз ҳолатнинг юзага келишининг олдини олиш борасида мунтазам равишда турли тарғибот-таъшиқот ишлари олиб боришимиз керак. Ёнғин хавфсизлиги, унинг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар, суҳбат ва урчушларни барча жойларда амалга ошириш фойдалан холи бўлмайди. Бунинг учун ота-оналар ва катталар ушбу масалага ўзини доим масъул деб билсалар мақсадга мувофиқдир.

Шорустам МАХМУДОВ, “Маърифат маркази” ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари барчани оғоҳликка чақириб, ёнғин ва бошқа факулдада ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида белгиланган қоидаларга амал қилишини тўғри қўлади.

Нафақат унингиз балки иш жойингизда ҳам эътиборли бўлиб, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилсангиз мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бирга иш вақтингиз тугагандан сўнг оналардаги чиқоқлар ва компьютер жиҳозларини маъбадан узиб кетишни унутманг.

Мухтабар АДИЛХОДЖАЕВА, Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, лейтенант

Ёнғинлар ва улардан қуриладиган зарарларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатларга бефарқлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юзага келаётганини кўрсатади.

Кундалик турмушимизда турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда оғоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёнғин чикмаслигининг асосий омили – оғоҳликни қўчайтиришимиз керак. Оғоҳлик оқибатида ҳаётимизнинг муҳим омили эканлигини унутмаслик лозим.

Фахриддин ҚҮЛДОШЕВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори

Шаҳримизда кўркам бино ва иншоотлар қад ростлаб, чиройига чирой қўшмоқда. Соҳа ходимлари янги қурилышларда лойиҳалаш даврида то қуриб битказилгунча қадар қурилиш меъёри қоидалари асосида ёнғинга қарши чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан каттиқ назорат ўрнатадилар.

Афсуски, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари қўчайтирилишига қарамай, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳоллари рўй бериб турибди. Га қурилмадан фойдаланиш, мумкин бўлмаган жойларда сигарет чекиш натижасида ёнғинлар келиб чиқмоқда. Шу ўринда ёнғинларнинг олдини олиш ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Шодиёр ЭРКАЕВ, Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройи ЁХБ инспектори, майор

Ортимизнинг табиий бойликлари, иқтисодий манбалари ва инсонлар ҳаёт хавфсизлигини сақлаш, шунингдек, тинчлигини барқарорлаштиришда Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ўрни катта.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, “тилсиз ёв” бўлган олод фасл ёки вақт, жой танламайди. Қўтилмаганда озгина эҳтиёсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради. Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнинг, уй-жойингизни ёнғиндан асраган бўласиз.

Шерали ХАЛИЛОВ, Юнусобод тумани ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Ҳозирги кунда турмушимизда “зангори олов” — газ энг қулай ёнғини сифатида кенг қўлланади. Газдан тўғри фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиш эса ёнғин хавфсизлигини таъминлайди.

Озгина эътиборсизлик оқибатида ёнғин келиб чиқиши ва оила, давлатга моддий зарар етказиши мумкин. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун эса газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш зарур. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш бурч эканлигини ҳеч ким унутмаслиги зарур.

Ислом ХУСАНОВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори

Божхона

ВАГОНДАГИ ШКАФ ОСТИДАН ТОПИШДИ

Божхона ходимлари томонидан сифати кафолатланмаган контакт линзаларни яширин тарзда олиб киришга уриниш ўз вақтида фож этилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси “Келес” темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан юртимизга кириб келган халқаро катнон поезди йўловчиларининг қўл юклари белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилди. Текширув жа-

расида декларацияланмаган ҳамда божхона ходимининг озғаси сўровида айтилмаган умумий қиймати 13,4 миллион сўмлик 70 дона биологик фаол қўшимчалар борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар бўйича текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Жўнатмадаги МАРИХУАНА ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ

Божхоначилар томонидан почта жўнатмалари орқали қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситасини жўнатиш каби қонунбузарлик ҳолатларига тизимли равишда кураш олиб борилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси “Бошпочтамп” ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан фуқаро У.Р. номига хориждан юборилган почта жўнатмаси белгиланган тартибда назоратдан ўтказилганда, декларацияда кўрсатилган “CD 3” ва “Books” товарлари ўрнида полиэтилен пакетга ўралган, ўткир хидли

марихуана гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Экспертиза хулосасига асосан, ашёвий далил сифатида олинган марихуана гиёҳвандлик моддасининг соф огирлиги 414,76 граммни ташкил қилди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЯШИРИНЧА ОЛИБ ЎТА ОЛИШМАДИ

Давлат ветеринария назорати остидаги товарлар сирасига тирик ҳайвонлар, балиқлар ва қисқичбақасимонлар, молосқалар ва сувда яшовчи умуртқасизлар, шунингдек, сут маҳсулотлари, тухум, асал ва бошқалар қиради.

Аммо, бу турдаги товарларни божхона назоратидан четлаб олиб киришга уринаётган шахсларни юртдошларимизнинг саломатлигидан кўра, мўмай даромад кўпроқ қизиқтирадиган кўринади.

Ана шундай шахслардан бири фуқаро С.К.нинг қинғир қилмишларига

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси “Келес” темирйўл чегара божхона пости ходимлари томонидан ўз вақтида чек қўйилди. Йўловчи поезди орқали келар экан, ушбу шахс умумий қиймати салкам 42 миллион сўмни ташкил қилувчи 10 дона татуировкани ўчириш во-

ситаси ҳамда 7350 дона тирик зулуқларни божхона назоратидан яшириб, олиб ўтишга уринган вақтида тўхтатиб қолинди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона текширувлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати



ТАБОБАТ ОЛАМИНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

Саримсоқпиез халқ табобатидаги ноёб сабзавот бўлиб, қадим замондан бунён ишлатилиб келинади.

Бу маҳсулот қадимги Грецияда кўп касалликларни даволашда ишлатилиб келинган. Саримсоқпиез Европада 5000 йил аввал пайдо бўлиб, у халқ табобатида етакчи ўринни эгаллади. Вабо, холера эпидемиясини тўхтатишда муҳим роль ўйнади.

Унинг лимон билан истеъмол қилиниши атеросклероз ва остеохондроз касаллигини даволайди. Сут билан аралаштириб ҳўнка қилинганда гижжалардан халос бўлишга сабаб бўлади. Ундан ташқари бу аралашма қон томирлар деворларини кенгайтиради ва қон босимини пайсаятиради. Асал билан саримсоқпиез қайнатмаси қонда гемоглобинни кўпайтиради. Саримсоқпиезнинг, лавлагги билан бирга истеъмол қилиш организм учун жуда фойдалидир.

Унда 400 дан ортиқ компонентлар мавжуд бўлиб, организм учун фойдали таъсир кўрсатади. Унинг таркибига С, Д, В витаминлар, гуруҳлари, микроэлементлардан Na, Ca, Mg, кремний, олингурут, фосфор, фитостеринлар, экстрактив моддалар, фитонцидлар ва эфир мойи қиради, аммо фойдали томони билан бирга айрим зиён томонлари ҳам мавжуд.

Саримсоқпиез вирусли касалликларини даволашда фойдали бор. Унинг таркибига қирадиган аллицин моддаси организмга тушадиган вирусларни блоқлайди, таркибидеги оксил модда антитела ишлаб чиқаришда иштирок этади. Бу эса инсон организмнинг иммунитетини кўтартиришга сабаб бўлади. Антибактериал таъсири унинг таркибидеги фитонцидлар билан боғлиқдир. Фитонцидлар бактериялар қўлайишга халақит беради ҳамда замбулурларга стафилакокларга дифтерия таъқчаларига, дизентерия кўзгатувчисига токсик таъсир қилади ва уларни ўлдиради. Фитонцидлар баҳор ойларидеги актив бўлади, шунинг учун, унинг бу таъсири йилнинг бошқа даврларига ўта кучсиз бўлади.

Шунингдек, қонда холестерин миқдорини камайтиради. Унинг бу таъсирида аллицин моддаси роль ўйнайди. Бу модда қондаги ёмон холестеринни камайтиради ва атеросклеротик

бляшқаларининг пайдо бўлишини тўхтатади. Аммо у фақат касалликнинг бошланғич бир неча ойлар давридагина таъсир кўрсатади ва томирларни қисқа муддат ичида тозалайди.

Орақ қон томир касалликларининг олдини олишда бу хусусияти роль ўйнайди. Қон томир деворларининг кенгайтириб қон босимини тушишга ёрдам беради, фақат бу таъсири ҳам бир неча ойгача давом этади холос. Унинг таркибига кирувчи аджон буюлгик актив моддаси қондаги тромбоцитларни ёпишқоқлигини камайтиради ва қонни суялтиради. Унинг бу хусусияти инфаркт ва инсультларнинг олдини олишда катта роль ўйнайди.

Саримсоқпиез таркибига кирувчи аллицин моддаси кучли антиоксидант бўлиб рақ ҳужайраларни парчалаб ташлайди ва шу билан бирга рақ тўқимасининг ўсшини тўхтатади, фақат унинг бу таъсири рақнинг бошланғич давриларидеги фойдали ва ўт қопидаги зардобни ўз вақтида эвакуация қилинишига ёрдам беради ҳамда ўт тош касаллигининг олдини олади.

Унинг миёга таъсири эса таркибига кирувчи витамин РРнинг қариллик ақли заифлигини олдини олишидадир. Аммо унинг таркибига кирувчи захарли модда бўлган сульфанил гидроксил иони миёга салбий таъсир кўрсатиб, тафаккурни ёмонлаштиради, диққатсизликка олиб келади, бош оғриғи ва тутқаноқ хуружини қўчайтиради. У ишлахани оширади ва семизликка олиб келади.

Ҳазм органлари томонидан ферментларини ишлаб чиқаришини қўжайтиради ва овқат ҳазм бўлишига яхши таъсир қилади. Аммо унинг таркибидеги токсик моддалар ошқозон ичак яраларини асоратларига олиб келади. Ошқозон ичак, жигар ва буйрак касалликларидеги истеъмол қилиш мумкин эмас. Организмдан гижжаларни ҳайдашда таъсири қадимдан маълум.

Таркибидеги витаминлар гуруҳи авитаминоз ва цинг касаллигининг олдини олади.

Гавҳар БАБАНОВА, 2-Республика тиббий коллежи ўқитувчиси

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида териди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усули ва босилди. 2024 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ